SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 28-YANVAR ■ SESHANBA ■ 11 (27.031) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Президент Испанияга жўнаб кетди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 27 январь куни давлат ташрифи билан Испания Қироллигига жўнаб кетди.

Шу муносабат билан Тошкент аэропортида давлатимиз раҳбари журналистларга интервью берди.

– Испания жуғрофий жиҳатдан нисбатан бизга узоқ мамлакат бўлса-да, Ўзбекистон учун яқин давлатлардан бири, – деди Президент Ислом Каримов. – Амир Темур саройида Испания элчиси Клавихо фаолият кўрсатган. Ўз навбатида Амир Темур томонидан Испания Қироллигига Муҳаммад ал-Қозий элчи этиб тайинланган.

Ушбу маълумотларнинг ўзи ҳам бундан 600 йил муқаддам икки халқ ўртасида маданий, маърифий, сиёсий ва иқтисодий алоқалар яхши йўлга қўйилганини кўрсатиб турибди.

Тарих манбаларида қайд этилишича, испаниялик машҳур тарихчи Руи Гонсалес де Клавихо анча вақт давомида Амир Темур саройида яшаган. Ўша вақтда нафақат Испания, балки бутун Европа Клавихо асарлари орқали мамлакатимиз, бу заминда яшовчи халқларни таниган. Амир Темур давлатида юритилаётган сиёсат, минтақамиздаги сиёсий жараён, халқимизнинг маданияти ва илм-фанда эришган ютуқларидан бохабар бўлган. Шу нуқтаи назардан қараганда, икки мамлакат халқлари қадимдан бир-бири билан яхши алоқада бўлган, дейишга тўла асос бор.

– Бугунги Испанияга келсак, – дея давом этди давлатимиз раҳбари, – ҳозир ушбу мамлакат аҳолиси 40 миллиондан ошиқроқ. Йиллик ички ялпи маҳсулот ҳажми 600-700 миллиард АҚШ долларига тенг. Ушбу рақам Испаниянинг дунё иқтисодиётидаги мавқеи қай даражада эканини кўрсатади.

Испания сиёсат майдонида ҳам фаол мамлакатлардан. Мисол учун, халқаро ҳамжамият томонидан Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, урушдан зада бўлган заминда тикланиш ишларини олиб боришда ҳам Испания фаол иштирок этаётир. Испания ҳукумати минтақамизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масаласига ҳам бефарқ қараётгани йўқ.

Ўзбекистон билан Испания ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ҳақида гапирадиган бўлсак, афсуски, бу борадаги ишлар кўнгилдагидек эмас. Ҳозиргача Ўзбекистонда Испания ишбилармонлари билан ҳамкорликда атиги олтита қўшма корхона ташкил этилган. Савдо-сотиқ ҳақида ҳам шунга монанд фикр билдириш мумкин. Мазкур сафардан кўзлаган асосий мақсадларимиздан бири ҳам алоқаларни янада жонлантириш, Испания сармоясини мамлакатимиз иқтисодиётига имкон қадар кўпроқ жалб қилиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама этишдир.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда бир қанча молиявий лойиҳалар Испания ажратаётган кредитлар билан амалга оширилмоқда.

Муҳокама этиладиган энг муҳим масалаларнинг яна бири, сайёҳлик соҳасига тааллуқли. Маълумки, Испания дунёдаги сайёҳлик ривожланган энг йирик давлатлардан саналади. Мамлакатнинг ушбу соҳадан кўрадиган йиллик даромади 34 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Ўзбекистонда ҳам Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз каби сайёҳларни ўзига жалб этадиган шаҳарлар кўп. Ушбу соҳада ҳамкорликни яхшиласак катта самара кўришимиз, шубҳасиз. Бу борада Жаҳон сайёҳлик ташкилоти раҳбарияти билан музокара ўтказиш ниятидамиз. Шунингдек, ташриф давомида таълим ва маданият, молия соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш масалалари ҳам муҳокама этилади. Сенат, ишбилармонлар ҳамда жамоатчилик вакиллари билан учрашувлар режалаштирилган.

Яна бир гап. Испанияга бир йилда кўпи билан бир ёки икки мамлакат раҳбарларининг давлат ташрифи уюштирилар экан. Ўзбекистон делегациясининг бундай юксак мақомда қабул қилиниши, Испания Қироллигининг мамлакатимиз, халқимиз ва Президентимизга юксак ҳурмат-эҳтиромидан далолатдир.

Президентимизнинг Испанияга ушбу давлат ташрифи икки мамлакат, икки халқ ўртасидаги ҳамкорликни барча соҳаларда янги босқичга кўтариш учун асос бўлишига шубҳа йўқ.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎзА мухбири



Ислом Каримовнинг Испания Қироли билан учрашуви

Мадрид, 27 январь. ЎзА махсус мухбири Озод РАЖАБОВ хабар қилади:

Президент Ислом Каримов раҳбарлигидаги мамлакатимиз делегацияси бугун Мадридга етиб келди. Ўзбекистон ва Испания давлат байроқлари билан безатилган «Эл Пардо» қироллик саройида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Мамлакатимиз раҳбари шарафига фахрий қоровул саф тортди. Давлат мадҳиялари янгради. Президент Ислом Каримов ва Қирол Хуан Карлос Биринчи фахрий қоровул сафи олдидан ўтди.

Мамлакатимиз раҳбари жойлашган қароргоҳда Испания Ташқи ишлар вазирлиги давлат котиби Р.Мигел томонидан Ўзбекистон делегацияси учун қабул маросими уюштирилди.

Шундан сўнг Ислом Каримов Испания қироллик хонадонининг расмий қароргоҳи бўлмиш «Сарсуэла» саройига ташриф буюрди. Бу ерда Қирол Хуан Карлос Биринчи билан учрашув бўлди. Самимий суҳбат чоғида икки томонлама муносабатлар ҳамда халқаро муаммоларга оид кўплаб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Оқшом саройда олий мартабали меҳмон шарафига Испания Қироли номидан расмий қабул маросими уюштирилди.

Сафар давомида Ислом Каримовнинг Испания ҳукумати Раиси, Сенат ҳамда Депутатлар конгресси доимий қўмиталарининг аъзолари, Мадрид мэри, ишбилармонлар билан учрашувлари режалаштирилган. Ташриф дастурида мамлакатимиз раҳбарининг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош котиби Ф.Франжиали билан мулоқоти ҳам кўзда тутилган.

(ЎзА)

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ

«Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон» янги темир йўл линияси қурилишини жадаллаштириш тўғрисида

Мамлакат транспорт коммуникацияларини, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, табиий ер ости бойликлари конларини ўзлаштириш лойиҳалари амалга оширилишини жадаллаштириш, шунингдек республика жанубий минтақаларининг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясининг «Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон» янги темир йўл линиясининг айрим участкаларини:

«Тошгузар – Деҳқонобод» ва «Бойсун – Қумқўрғон» участкалари бўйича 2003-2005 йилларда давлат бюджети маблағлари (20%) ҳамда «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясининг ўз маблағлари (80%) ҳисобига;

«Деҳқонобод – Бойсун» участкаси бўйича 2004-2007 йилларда жалб этиладиган хорижий инвестициялар маблағлари ҳисобига босқичма-босқич фойдаланишга топшириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги «Деҳқонобод – Бойсун» участкаси қурилишини молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш учун Японияннинг тегишли ҳукумат муассасалари билан имтиёзли узоқ муддатли йенлардаги кредитларни жалб этиш масаласи ишлаб чиқилишини таъминласинлар.

3. Қуйидагилар:

2007 йил бутун қурилишни тугаллаш муддати этиб;

«Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон» янги темир йўл линияси қурилиши бўйича «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси бош буюртмачи этиб;

«Бошстранслойиҳа» масъулияти чекланган жамият ва «Тоштемирйўллойиҳа» очиқ акциядорлик жамияти бош лойиҳаловчилар этиб;

тупроқ кўтармаси ва сунъий иншоотларни қуриш бўйича «Ўзавтойўл» давлат концерни бош пудратчи этиб;

йўлнинг устки қисмини қуриш бўйича «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясининг Йўл қурилиши бошқармаси ва «Ўзбектрансқурилиш» давлат уюшмаси бош пудратчилар этиб белгилансин.

4. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси, бош лойиҳаловчилар («Бошстранслойиҳа» масъулияти чекланган жамият ва «Тоштемирйўллойиҳа» очиқ акциядорлик жамияти), Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари янги темир йўл линиясининг тоғдаги «Деҳқонобод – Бойсун» участкаси тўлиқ ишга туширилгунга қадар «Тошгузар – Деҳқонобод» ва «Бойсун – Қумқўрғон» участкасидан чекланган, ёпиқ циклда фойдаланишни таъминловчи барча зарур лойиҳалаш ишлари ва қурилиш ечимларини назарда тутсинлар, бунда ушбу минтақаларнинг табиий хомашё ресурсларидан фойдаланиш учун транспорт боришини таъминлашни кўзда тутсинлар.

5. «Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон» янги темир йўл линиясини қуриш масалаларини тезкорлик билан ҳал қилиш учун Қурилишнинг боришини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўйича Республика комиссияси тузилсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, янги темир йўл линиясини лойиҳалаштириш ва қуришга субпудратчи ташкилотларни жалб қилиш, қурилиш материаллари, конструкциялар ва ускуналар харид қилиш «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси томонидан ўтказиладиган тендер савдолари асосида амалга оширилади, тендер савдолари натижалари кейинчалик Республика комиссияси билан келишилгандан кейин тасдиқланади.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси бош пудратчи ташкилотлар билан биргаликда «Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон» янги темир йўл линияси қурилиши учун субпудрат ташкилотларни, ускуналар ва материаллар етказиб берувчиларни танлаб олиш бўйича танлов савдолари (тендерлар)нинг сифатли ўтказилишини таъминласин.

(Давоми 2-бетда.)

ЎТГАН ҲАФТА: ВОҚЕА, ТАҲЛИЛ, ШАРҲ

Хусусий сектор – иқтисодиётимизнинг ўзак тармоғи

Мамлакат иқтисодиёти тараққиётида хусусийлаштирилган корхоналарнинг корпоратив бошқарув тизимини ривожлантириш, бир сўз билан айтганда, хусусий сектор равнақини жадаллаштириш ва уни рағбатлантириш эндиликда замон тақозоси.

Юртбошимиз ҳали 1996 йилдаёқ «Ватан – саждагоҳ каби муқаддасдир» китобида ***«Ўзак тармоқларни ривожлантириш – Ўзбекистон иқтисодий мустақиллигининг энг асосий шартидир»*** *– дея таъкидлаганди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўтган ҳафтада эълон қилинган «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида шундай сатрлар бор:*

«Хусусий тадбиркорликни кенг кўламда ривожлантириш, хусусий мулкчиликка асосланган, шу жумладан давлат мулкини хусусийлаштириш натижасида, корхоналарни ташкил қилиш ва шу асосда иқтисодиёт таркибида хусусий секторнинг улушини сезиларли даражада ошириш мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва бозор ўзгартиришларининг ғоят муҳим устувор йўналишлари деб ҳисоблансин».

Масаланинг моҳиятига эътибор беринг: шу пайтгача акциядорлик жамиятларининг устав жамғармасидаги давлат улуши фоизи қатъийроқ белгиланмагани учун акцияларни хусусий мулк сифатида сотиш масаласи кўпгина корхоналар ва жамоаларда эътиборсиз қолаётган эди. Эсингизда бўлса, Президентимиз айни шу масалада 1997 йил (27 январь)да ҳам Вазирлар Маҳкамасида ўтган йиғилишда айтган эди: ***«Нега мулк шакли ўзгарган хўжаликларни очиқ ёки ёпиқ турдаги акционерлик жамияти деймиз? Улар ҳақиқатдан ҳам шундай жамиятми? Менимча, йўқ. Чунки бирор корхона акционерлик жамияти бўлиши учун албатта ўз акцияларини чиқариб сотиши керак. Жамоа хўжаликларида шундай акциялар борми? Йўқ...»***

Ана шу нуқтаи назардан, ўтган ҳафта қабул қилинган Фармонда акциядорлик жамиятларининг устав жамғармасидаги давлат улуши 25 фоиз ва ундан кам миқдорда бўлиши мақсадга мувофиқ эмас, деб белгилаб қўйилди. Ва эндиликда асосан хусусий мулк сифатида сотиладиган бўлди. Жумладан, Республика Давлат Мулк қўмитаси бундай акцияларнинг давлат пакетларини 2003 – 2004 йилларда фоиз бозорида босқичма-босқич сотишни йўлга қўяди.

Яна 3-4 кундан сўнг (аниқроғи, 1 февралдан бошлаб), рўйхатга олинган очиқ акциядорлик жамиятлари устав жамғармасининг энг кам миқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг курсига кўра 50 000 АҚШ долларига эквивалент суммани ташкил этиши шартлиги бегилаб қўйилди.

Фармоннинг мана бу бандларига ҳам эътибор беринг: ***«Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамият қатнашчиларининг сони 50 та юридик ва жисмоний шахслардан ошиши мумкин эмас.»***

(Давоми 2-бетда.)

Маҳалла ободлигига бағишланди

Навоий вилоятида Обод маҳалла йили муносабати билан семинар кенгаш бўлиб ўтди. Мақсад вилоятдаги мавжуд маҳаллалар, овул ва гузарлар, қишлоқлар ободончилигини таъминлаш, маҳалла кенгашлари ишини тубдан яхшилаш, маҳалла посбонлари масъулиятини ошириш. Шунингдек, семинарда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш, қишлоқ жойларида тиббиёт тизимини, маънавият, маърифат ишларини янада ривожлантириш борасидаги вазифалар муҳокама қилинди.

Юзма-юз, очиқ мунозара ва баҳслар асосида ўтган бу семинар кенгашда Республика Бош вазири ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова сўзга чиқди.

Музаффар ШАРОПОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 28 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	569,70
1 Англия фунт стерлинги	1568,97
1 Дания кронаси	140,02
1 БАА дирҳами	261,68
1 АҚШ доллари	960,38
1 Миср фунти	207,65
1 Исландия кронаси	12,24
1 Канада доллари	632,66
1 Хитой юани	116,03
1 Малайзия рингити	252,76
1 Польша злотийси	248,67
1 СДР	1319,88
1000 Туркия лираси	0,58
1 Швейцария франки	710,18
1 ЕВРО	1041,05
10 Жанубий Корея вони	8,21
10 Япония иенаси	81,51
1 Россия рубли	30,20
1 Украина гривнаси	180,09

*** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Диққат!

«Ўзбекистон овози»нинг навбатдаги «Сиртқи қабул соатлари»

Ижтимоий таъминот ва меҳнат масалалари бўйича саволларингиз борми?

Агар сиз мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида аҳолининг ижтимоий муҳофазаси, таъминоти, меҳнат шароити, берилган ҳуқуқ ва имтиёзлари борасида ҳукуматимиз олиб бораётган сиёсат, шунингдек, пенсия, нафақа, стипендия, моддий ёрдам, иш стажи, хорижга бориб ишлаш тартиблари ва шу сингари масалаларда саволларингиз, таклиф-мулоҳазангиз бўлса навбатдаги ***СИРТҚИ ҚАБУЛ СОАТЛАР****имизга марҳамат!*

Сизни қизиқтирган барча саволларга Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот ва меҳнат вазири ***Оқилжон ОБИДОВ*** *жавоб беради.*

Саволларингизни хат, шошилинчнома, факс ёки телефон орқали беришингиз мумкин. Манзилимиз: 700000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, ***«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»*** *газетаси таҳририяти. Телефонлар: 133-20-36, 133-12-56, факс: 133-47-80.*

Саволларингиз 10 февралга қадар қабул қилинади.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«Қасамга хиёнат»

«Ўзбекистон овози»нинг шу йил 9 январь сонида чоп этилган «Қасамга хиёнат» мақоласи ҳамда Қибрай тумани жиноят ишлар бўйича судининг ажрими шифохонамиз тиббиёт ходимлари ўртасида муҳокама қилинди. Ҳақиқатан ҳам фуқаро Искандар Бобоёров 2001 йил 27 июлда операциядан сўнг чап билак бўғимининг контрактура (кам ҳаракатлик) асорати билан шифохонанинг травматология бўлими мудири М. Рихсиевга мурожаат қилган ва бўлимга ётқизилган.

Шифокор бўғим ҳаракатини кўпайтириш ва оғриқсизлантириш учун елка асаб тўпламига лидокаин дорисидан укол қилган. Бундай муолажа зарур биологик текширув ўтказилмасдан қилиниши натижасида бемор анафилактик шок ҳолатига тушиб, юрак-нафас органларидаги етишмовчилик туфайли оламдан ўтган. Мурда суд-тиббий экспертизага юборилган, тергов ҳаракатлари олиб борилиб, шифокор М. Рихсиев Ўз.ЖК 116-моддаси 3-қисми билан судланган.

Шифохонамизда шунга ўхшаш фожиали воқеалар такрорланмаслиги учун Тошкент тиббиёт институти кафедра ходимлари иштирокида лидокаин, новокаин каби дориларни ноўрин қўллашнинг олдини олиш бўйича махсус илмий-амалий семинар ўтказилди ва беморларни яқинда ишга туширилган консультатив-диагностик поликлиникада кўриш, келтирган дориларни беморларга ишлатишдан олдин биопроба қилиш, иложи борича шифохона дори-дармонларидан фойдаланиш тавсия қилинди.

Дори-дармонлар фақат республика «Дори-дармон», «Доритаъминот» ва давлат дорихоналаридан олинмоқда.

1-сон республика клиник шифохона бош шифокори.
Б. ЮЛДАШЕВ

BUSINESS BANK

Бизнес Банк
энг яхши анъаналарда

ЎТГАН ҲАФТА: ВОҚЕА, ТАҲЛИЛ, ШАРҲ

Хусусий сектор — иқтисодиётимизнинг ўзак тармоғи

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ёки: **«Жисмоний шахсларнинг хусусийлаштириш жараёнида иштирокини янада рағбатлантириш мақсадида жисмоний шахсларнинг хусусийлаштирилган корхоналар негизида барпо этилган хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг акциялари (улушлари) бўйича дивидендлар ҳолида олган даромадлари беш йил муддатга солиқдан озод қилинсин».**

Бу талаблар замирида мамлакатимиз ва халқимиз иқтисодиёти манфаатлари нуқтаи назаридан қандай мақсад-муддаолар борлигини билиб олиш қийин эмас. Бунда, энг муҳими, мулкнинг ўз эгасини топиши янада аниқлашмоқда. Ҳаётда ва ишлаб чиқаришда хусусий мулк бошқа мулк шакллари — давлат мулки, жамоа мулки, акционерлик мулки ва ҳоказолар орасида асосий ўзак ўрнини эгаллаб боради. Қачонки, шу мақсад-муддаомиз амалга ошгандагина, давлат мулки ҳисобидан ўғирлик, талон-торож қилиш, ундан нопок йўлда фойдаланиб меҳнатсиз даромад орттириш каби бемаъни ишларга чек қўйиш имкони туғилади. Шундагина, ҳеч ким ҳеч қачон ўз мулкига кўз олайтирмайди, хиёнат қилмайди. Шундагина, тармоқларда ягона техника сиёсати ҳам изчил амалга ошади, давлат активлари ҳисобига тузилган хўжалик бирлашмалари фаолияти чуқур ўрганилади ва пировардида, хусусийлаштирилган ҳар бир корхона бошқаруви қўламли тус олиб, тизим тобора такомиллашиб бораверади.

Ўзи мундоқ ўйлаб қаралса, шунда хусусий сектор (мулкдорми, тадбиркорми ва ҳоказо) устидан назоратнинг ҳам кераги йўқдек туюлади. Чунки, бош назоратчи — унинг ўзи. У қонун асосида ишлайди, солиғини вақтида тўлайди, топган даромади — ўзиники. Шу боисдан ҳамки, Фармонда уюшмалар, холдинглар, компаниялар, корпорациялар, концернлар ва хўжалик бирлашмаларининг ўз таркибига кирувчи корхоналарнинг тезкор фаолиятига асоссиз аралашувига йўл қўймаслик чора-тадбирлари тизимини ишлаб чиқиш алоҳида кўрсатиб ўтилди. Бу — корхоналарга кўпроқ иқтисодий эркинлик бериш йўлидаги сиёсатимизнинг яна бир ёрқин далили.

Табиийки, ҳукуматимиз олиб бораётган бу йўл — пировард натижада, мамлакатимиз иқтисодиётининг экспорт ва импорт салоҳияти ошишига, айниқса, шу куннинг долзарб масаласи — ички бозорларимизда маҳаллий хомашёлардан тайёрланган ва ўзимизда ишлаб чиқарилган, дунё андозаларига мос, рақобатбардош, сифатли маҳсулотлар кўпайишига ҳам кенг қўламли истиқбол шарт-шароитларини яратади.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

Талабалар тиккан кийимларга талаб ортмоқда

Жиззах шаҳридаги енгил саноат касб-ҳунар коллежида талабаларга ҳунар ўргатиш, уларни ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этишнинг мақбул усулларидан фойдаланилмоқда. Хусусан, бу ерда «Осиё тараққиёт банки» кредити ҳисобига олиб келинган 25 та «Зингер» тикув машиналарида турли хил чойшаблар, ёстиқ ва кўрпа жилдлари, болалар ва аёллар кийимкечаклари ҳамда спорт кийимлари тикиш йўлга қўйилди.

— Ўқиш давомида олган назарий билимларимизни амалда синаб кўриш имконияти яратилганидан хурсандмиз, — дейди тикувчилик гуруҳи иккинчи босқич талабаси Нафиса Эшонқулова. — Тенгдошларим билан бежирим кийим-кечаклар тикишни пухта ўрганиб олдик.

Бугун бўлажак тикувчилар томонидан тайёрланаётган буюмлар ва кийимларнинг бозори чаққон. Чунки, улар пишиқ, сифатли, айни пайтда бозорникидан ҳам анча арзон.

— Маҳсулотларни сотишдан келаётган фойда талабаларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг ўқишлари, касб-ҳунар эгаллашлари учун қўшимча шароитлар яратишга сарфланяпти, — дейди коллеж раҳбари Фарҳод Маматқулов.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

(Давоми. Боши 1-бетда.)

7. Янги темир йўл линиясини лойиҳалаштириш ва қуриш ишларини «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясининг ўз маблағлари ҳисобига бир пайтда олиб боришга рухсат этилсин.

«Давархитектқурилиш» қўмитаси «Тошгузар — Деҳқонобод», «Деҳқонобод — Бойсун» ва «Бойсун — Қумқўрғон» участкалари бўйича асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларни белгиланган тартибда экспертизадан ўтказсин, тасдиқлаш учун Республика комиссиясига киритсин.

Белгиланган, бюджет маблағлари ҳисобига капитал маблағларни молиялаштиришни бошлаш лойиҳа-смета ҳужжатлари белгиланган тартибда тасдиқлангандан кейин «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясининг ўз маблағлари ҳисобига молиялаштиришнинг белгиланган ҳажмларига мутаносиб равишда амалга оширилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси янги темир йўл линияси участкаларини ўз вақтида фойдаланишга топшириш учун 2003-2007 йиллар инвестиция дастурларида давлат бюджети, компаниянинг ўз маблағлари ҳамда жалб этиладиган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобига зарур капитал маблағларни назарда тутсинлар.

9. «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, «Ўзнефтгазқурилиш» акциядорлик компанияси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ буюртмачи маблағлари ҳисобига бош пудратчилар ҳуқуқи билан белгиланган муддатларда алоқа линиялари ва бошқа муҳандислик коммуникациялари кўчирилишини ва қайта қурилишини таъминласинлар.

10. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси ва «Ўзавтойўл» давлат концерни, истисно тариқасида, қурилиш даврида янги темир йўл линияси қурилишида фойдаланиладиган олиб келинаётган ускуналар ва материаллар учун божхона тўловларидан (божхонада расмийлаштириш йиғимларидан ташқари) озод қилинсин.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясининг Республика йўл жамғармасига ажратмалари муддати «Ўзавтойўл» давлат концерни билан келишилган жадвалга мувофиқ кечиктирилсин.

11. Минтақанинг мураккаб табиий шароитларини ва ишларнинг кўчма характерини ҳисобга олган ҳолда «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўл линияси қурилишида бевосита банд бўлган ходимларнинг барча тоифалари иш ҳақига Қашқадарё вилояти бўйича 1,4 ҳамда Сурхондарё вилояти бўйича 1,3 коэффициенти белгилансин.

12. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси тасдиқланган лимитлар доирасида ва асосланган ҳисоб-китоблар бўйича қурилиш қатнашчиларини ёнилғи-мойлаш материаллари билан мунтазам равишда узлуксиз таъминласин.

13. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари:

ўз вақтида ер ажратилишини ва қурилиш трассасидаги иморатлар бузилишини таъминласинлар;

пудратчи ташкилотларни жалб қилган ҳолда зарур қурилиш ишларини ташкил этсинлар, қурилиш-монтаж ишлари ҳажмлари бажарилишини назоратга олсинлар ҳамда қўйилган вазифаларни кўрсатилган муддатларда бажариш чора-тадбирларини кўрсинлар;

қурилиш қатнашчилари учун амалдаги нормаларга мувофиқ зарур маиший шарт-шароитлар яратилишини таъминласинлар.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ғузор — Бойсун — Қумқўрғон (Қизил Октябрь)» янги темир йўл линиясини лойиҳалаштириш ва қуриш масалалари тўғрисида» 1995 йил 17 августдаги 323-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

15. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2003 йил 24 январь

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

«Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» янги темир йўл линияси қурилишини жадаллаштириш тўғрисида

«Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!»

Айни кунларда республикамиздаги барча умумий таълим мактабларининг биринчи синф ўқувчилари ўзларининг шодиёналари — «Алифбе» байрамларини нишонламоқдалар. Ана шундай қувончли тадбир Тошкент шаҳрининг Ҳамза туманидаги 307-мактабда ҳам бўлиб ўтди.

1-«Г» синф ўқувчилари ярим йил давомида меҳрибон устозлари Раҳима Қораева раҳбарлигида севимли китоблари — «Алифбе» сабоқларини нечоғли пухта ва мукаммал эгаллаганликларини намойиш этдилар. Қувноқ куй-қўшиқ ва шеърхонликка айланиб кетган «Алифбе» байрами бир умр болажонларнинг хотираларида сақланиши шубҳасиз.

✧ ✧ ✧

Суратларда: *«Алифбе» байрамидан лавҳалар.*

Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар

Сувнинг томчиси ҳам сув

Сувсиз дунё кўркини, ҳаётни тасаввур этиб бўлмайди. Мана масалан, бир киши бир кеча-кундузда ўртача 240 литргача ичимлик суви истеъмол қилади. Лекин бу ҳол бизда баъзан ўртача 600-900 литргача ҳам етаяпти. Қолаверса, унинг хонадонларимизга оқиб келгунича қанчадан-қанча меҳнат, маблағ кетишини баъзида тасаввур ҳам қилолмаймиз. Дейлик, камида 80-150 метр ер остидан кўтариб олиниб, микроблардан тозалангач, сўнгра насослар орқали истеъмолчиларга етказилгунча қанча жараёнлардан ўтади. Агар сув дарёлардан олинса, аввал катта ҳовузларда тиндирилиб, минерал эритмаларини чўктириш учун коугуляторлар аралаштирилади ва фильтрлардан ўтказилгач хлорланади. Ана шундай мураккаб босқичлардан ўтган ичимлик сувини баъзида юртдошларимиз ўйламайнетмай узлуксиз оқизиб қўйишлари ёки суғориш мақсадида ишлатишларини қандай баҳолаш мумкин? Агар биргина 15 мм. ҳажмдаги бузуқ ёки очиқ қолдирилган жўмрак бир кеча-кундуз давомида 16 м³ — яъни 16000 литр тоза сув исроф қилишини ҳисобга олсак, республика бўйича бир кунда қанчадан-қанча тоза ичимлик сув исроф бўлаётганини осонгина тасаввур қиласиз.

Шу боиски, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 1 июнь (280-сонли) ва Тошкент вилояти ҳокимининг 1999 йил 24 июнь (200-сонли) қарорларида ҳар бир хонадон ва корхонага сув сарфини назорат қилиш мақсадида сув ўлчагичлар ўрнатилиши зарурлиги кўрсатиб ўтилган. Уларнинг ижроси йўлида Тошкент вилоятида қанча амалий ишлар қилинмоқда. Жумладан, ҳозирги кунга қадар 14689 та хонадон ва 4167 корхонага сув ўлчагичлар ўрнатилди. Хўш, натижа нима бўлди?

2002 йилда вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан марказлашган ҳолда 1714 дона ўлчагичлар сотиб олиниб, жойларга «Сувоқова» трести томонидан ўрнатилди...

Натижалар таҳлил қилинганда ичимлик суви миқдори 3-5 маротаба тежалгани аниқланди.

Дарвоқе, бугунги кунда коммунал соҳани ривожлантиришга давлат миқёсида аҳамият берилмоқда. Биргина Тошкент вилоятида ичимлик суви тармоқларини қуриш ва таъмир ишларини амалга ошириш учун бюджет маблағидан 547,2 млн. сўм маблағ ажратилди.

Тўғри, ҳали муаммоларимиз ҳам бор: корхоналар ва аҳолининг ичимлик суви учун тўловлари вақтида тўланмаяпти. Бу ҳол «Сувтаъминот» корхоналарининг иқтисодий аҳволига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Сув қувурларининг ҳам 60-70 фоизи эскирган. Оқибат ичимлик суви етказиб беришдаги узилишлар 20 фоизгача ташкил қилмоқда. Биз бу ҳолларни бартараф этиш учун бор имкониятларимиз даражасида ҳаракат қиляпмиз, албатта.

Маъруф АКРАМОВ,
Тошкент вилоят «Сув оқова» трести бошқаруви раиси.

Ўз элининг қадим

(ЭССЕДАН ПАРЧА)

Американинг машҳур фильмларидан бири шундай лавҳа асосида қурилган: қайсидир штатдаги шаҳарга самовотдан астроид яқинлашиб келаяпти. Табиийки, қилнинг соясига дунёни жойлаштириш қурбига эга илмиёт бу таҳликадан воқиф бўлади. Қисқа муддат ичида аҳоли шаҳардан олис жойга кўчирилади.

Астроид келиб урилган шаҳар олов ичида қолади. Куйиб кул бўлади. Одам боласи қиёмат-қойим билан рўпара келади.

Шаҳардан анча нарида, ялангликда чодирда яшаётган, бир амаллаб жонини асраб қолганлар бу қиёматни олисдан кузатиб турадилар. XXI аср тараққиёти довруғидан босар-тусарини билмай қолган цивилизация асри одамларининг қўлидан ҳеч иш келмайди, уларнинг кўз ўнгида табиат ўз ҳукмронлигини ўтказади. Инсоният ўзининг нақадар ожизлигини ҳис қилади, нотавон-ношудлигини сезиб олади.

Хуллас, ана шундай — сичқоннинг ини минг танга бўлиб турган лаҳзада, чодирлардан бирида чақалоқ овози эшитилади. Аллақаердан телемухбир пайдо бўлади. Ҳалиги, гўдак овози янграган жойда бутун инсониятга мурожаат қилиб рўпарасидаги камерага қараб ишонч билан бундай дейди: «Чақалоқ туғилди, инсон дунёга келди. Демак, ҳаёт тўхтаб қолмайди, ҳаёт давом этади...» Буёқда шаҳар ёниб ётибди — еру осмон қапишиб қолган, одамлар саросимада. Ана шундай бир пайтда телемухбирнинг «...чақалоқ туғилди, ҳаёт тўхтаб қолмайди...» деган оддий гап, ҳаяжон билан айтилган гап инсониятни, тирикликни улуғлашнинг энг олий изоҳи сифатида юрагимни ҳаяжонда ўртади. Менинг назаримда фильм бошдан-оёқ ана шу ҳақиқатни айтиш учун яратилганга ўхшаб кўринди. Ҳа, миллионлаб маблағ сарфланган кинони астроиддан ҳам, шаҳарни қуйдириб ямлаётган оловдан ҳам қудратли биргина жумла — «чақалоқ туғилди... ҳаёт давом этади», деган жумла кўтариб турарди.

Бизнинг давримизда ҳаётнинг давом этиши, унинг келажакда қандай бўлиши ҳақида қайғуриш муаммоларнинг муаммосига, долзарб масалага айланиб бораётгани сир эмас. Эсингизда бўлса, Президентимиз ***«Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари»*** *китобида (1997 йил) бундай деган эдилар:* ***«Бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди...»***

Жаҳоннинг илғор фикрли зиёлилари ўй-хаёлига тинчлик бермаётган хавотир ҳам шу. Келажак авлод қандай бўлади? Улар инсоният бахт-саодатини қандай тушунади? Бани башарият бу кўҳна заминда унибўсиб, худонинг измига терс қарамай, ҳаётнинг давомийлигига путур етказмай, бир сўз билан айтганда, одам бўлиб яшашни эплай оладими, деган таҳликали бир ўй кўнгилга ғашлик солиб тургани, цивилизация ташлаган соя инсон ақлидроки, ҳиссиётларини ўз оҳангграбоси оғушида чалғита бошлагани ҳам сир эмас. Бу эса оналамин билан самовотдан бирор жисм — метероидми, астроидми тўқнаш келганидан кўра хатарлироқдир. Агар ҳозирги одамиёт томонидан яратилган кашфиётлар, фаннинг зафарли юришини ақл-идрок тарозисига солиб кишилик жамиятининг саодати томон бурмасак, буриб юбормасак, билингки, ер шари атак-чечак қилиб бораётган болакай қўлидаги тухумнинг аҳволига тушиб қолади. Ақли етилмаган болакай ўзи англамаган ҳолда уни қўлдан тушириб юбориши мумкин.

Боланинг, ортимиздан келаётган авлоднинг ер шарини асраб қолиши, умуминсоний эзгу ғояларни ҳаётийликнинг мазмун-моҳияти деб англамоғи учун нима қилмоқ керак? Чиндан ҳам бу савол бугунга келиб жамулжам кишиликни ташвишга солиб турган экан, демак биз, одамзот қавми қаршимиздаги хатарнинг нечоғлик даҳшатли эканлигини ҳис қилмоғимиз керак. Янги минг йилликда инсоният ҳаёти икки йўл орасида турибди. Эзгулик ва ёвузлик борасида жиддий ўйлаб кўришимиз, кундалик турмушимизда содир бўлаётган воқеаларни таҳлил қилишимиз умумодам ҳаётининг муҳим масаласига айланиб бормоқда. Эзгулик ва ёвузлик тушунчаси, ҳаёт ва ўлим, ёруғлик ва зулмат, борлиқ ва йўқлик деган мазмун-моҳият касб этаяпти. Бугунга келиб ёвузликнинг турли хил кўринишлари очиқ-ойдин, ошкора тарғиб қилинаётгани айни ҳақиқатдир. Энг даҳшатли томони норасида болалар, айрим ёшлар ана шу разил тарғибот тўрига тушиб қолаяпти. Бу жуда хавфли.

Одамни қотил қилиб тайёрлаш учун юрагидаги туйғулар ипи узилса, ҳиссиёти ўлдирилса кифоя. Айниқса, қизиқувчан болаликда ҳар нарсага мойиллик устун бўлади.

Билмадим, марҳум озодликпарвар Нозим Ҳикмат «Болаларга берайлик дунёни... ҳеч бўлмаса, бир кунга...», деганда улар ер юзида шодлик, қувонч элчилари, беғуборлик тимсолларидир, улар биз катталардан кўра софдил ва тоза, ер шарини талашиб тортишмайди, қирғин-барот ўтини ёқмайди, урушга йўл қўймайдилар, деган маънони назарда тутгандир. Шу билан бирга менинг фикримча, дунёни келаётган авлод — болалар асрайди, ер, она-сайёрамиз беғубор кўнгил соҳибларининг илиқ меҳри, ёрқин парвариши туфайли ҳавф-хатардан, уруш, разолат ҳамласидан ҳоли бўлади, деган рамзий ифода ҳам шоир ҳайқириғига сингдириб юборилгандай эди. Болалик — катталарнинг софлиги, катталар дунёсида яшашга завқ-шавқ улашгувчи умид чечакларидир. Ҳа, биз ўқиган дунё китоблари сабоғининг асосий мазмуни шу нуқтадан шаклланган эди. Бироқ, бугунги ҳаёт деймизми, давр деймизми ўзгача.

Ваҳшийлик ва фашистик руҳдаги ҳар хил экстремистик ташкилотлар дунё бўйлаб сочилиб кетгани ҳам сир эмас. Улар кишилар онгига ёвузлик ғояларини сингдириш билан машғул бўлмоқда. Тавба дейсан, инсон қанчалар илм-фанни эгаллаб, цивилизациялашган даврга кириб боргани сайин, унинг юраги тош қотиб, ботини идраб бораяптими, нега бунча очиқ-ойдин зўравонлик ва ахлоқсизлик кўринишлари кўзга чалиниб қолаяпти, деган оғриқли ўйга толасан, киши. Бугунги кунда терроризм дунё халқларини ҳалокат жари ёқасига олиб бориш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қилиб келгани ҳеч кимга сир бўлмай қолди. Жаҳолат ва зулм қайси кўринишидан қатъи назар ёвузликнинг аниқтиниқ мисоли бўлади. Ёвузлик ҳар доим, ҳар қандай вазиятда эзгуликни топташ, кунпаякун қилишга уринади. Ғайриинсоний мафкура ва хатти-ҳаракатлар урчиб, кўпайиб кетмаслиги учун бани-башар қўлни-қўлга бериб курашмаса, XXI аср кишиларининг ҳаёти таҳлика ичида қолаверади. Яна такрор бўлса-да айтиш лозимки, ёш авлоднинг кўнглида эзгуликка мойил жиҳатларни парваришлаб, авайлаб-асрамасак жаҳолат қўлankаси бошимиздан аримаслиги мумкин.

Бугунги ёшлар, фарзандларимизнинг тушунчаси, биз катталарнинг болалигимиздаги ўй-фикрлардан кескин фарқ қилади. Болаларга хос соддалик, самимият балқиган бизнинг ўтмишимиз билан ҳозирги болаликнинг қувлиги, унча-мунча нарсалардан бемалол хабардорлиги боис орадаги тафовут ҳам оламжаҳон. Ўзига тўқ оилаларнинг фарзандлари уяли телефон билан дунёнинг бир бурчида сайру саёҳат қилиб юрган отаси ёки онаси билан гаплаша олади. Компьютер ёрдамида жаҳоннинг бир бурчагида яшаётган болакай билан дўст тутунади, хат ёзишади. Интернет орқали цивилизациялашган дунё билан юзма-юз келади. У ўз уйида туриб олам бўйлаб кезиб юрибди. Тил билади. Хорижийда бемалол сўзлашади. Нима бўлган тақдирда ҳам, бутун оламни миясига жойлашга уринганда ҳам, тафаккурнинг учқур қаноти боиси дунёни айланиб учганда ҳам унинг илдизи ҳа, ўша цивилизация даври чиғириқларидан ўтган қора кўз, қора қош фарзандимизнинг илдизи шу ерда — Ўзбекистонда — ўзимизнинг заминда. Унинг зуваласи шарқона кайфият, ўзбекона тарбия билан пишитилган бўлиши керак. Қани, шундай бўлгач, миллат менталитети тушунчасига дарз кетармикин? Қани, шундай бўлгач шовқин-суронли бу дунёнинг ўткинчи шамолларида чирпирак бўлиб учиб, ўзлиги йўлидан адашармикин?

Инсоният илдизи, томири бақувват бўлмаса, инсонийлик сабоғи тошган соф булоқдан баҳраманд бўлмаса, аждодларидан қолган улуғ маданий меросни қалбига жо этмаса, буюк тарихидан фахр-ифтихор туймаса бугунги кунда цивилизациянинг тўс-тўполонли хуружининг қурбонига айланиб қолади.

Ўзимизга қайтайлик. Ўз ҳаётимиздан мисоллар ахтарайлик. Кўз юмиб бўлмайдиган, бироқ қадриятларимизни топтайдиган русумлар кундалик ҳаётимизга сингиб, кўз ўнгимизда одатий тусга айланиб бўлди. Айниқса, шаҳарларимизда ўзгача тарбия нуқси урган айрим ёшларимизнинг ўзини тутиши, юриш-туришини кўриб шуларнинг бувалари, бувилари қандай одамлар бўлишган экан, ота-оналари ҳозир қандай аҳволда яшаяпти, деган хаёлга борамиз?

ИҚТИСОД ВА ИСЛОҲОТ

Аёзли кунларда иссиқ уйга не етсин...

— Қорақалпоғистонда хонадонларни газлаштириш топшириғи 92 фоиз, шундан — шаҳарларда 99,5, овулларда 84 фоиз бажарилган, — дейди «Қорақалпоқгазтаъминот» идораси директори, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати Жангабай Алламуротов:

— Республика Вазирлар Маҳкамасининг овуллар аҳолисини табиий газ билан таъминлашни яхшилаш тадбирлари тўғрисидаги қарори бўйича «Ўзгазлойиҳа» институтида 2010 йилгача хонадонларни босқичма-босқич газлаштириш масаласи кўриб чиқилган.

Масалан, мустақилликнинг ўтган ўн бир йилида 10 минг 410 километрга газ қувурлари ётқизилди ва 113 минг 32 хонадон газлаштирилди. Биргина ўтган йили 90,3 километрга газ қувурлари ётқизилиб, 1 минг 174 хонадонга газ етказиб берилди.

Тўғри, бу борада ҳали кўп муаммолар бор. Хусусан, Беруний тумани Қизилқалъа посёлкасида 28 километр масофада юқори босимли газ магистрали ҳамда 2 та автомат газ тақсимлаш станцияси қурилиши керак. Амударё тумани «Тўлқин» деҳқон фермер хўжалиги билан Қўнғирот шаҳрининг Олтинкўл посёлкасида ҳам шундай станция қурилиши режалаштирилган. Яқинда Нукус, Хўжайли туманларида 4,3 километр узунликдаги ўрта босимли газ тармоғи ички имкониятларимиз ҳисобидан тикланди.

Қиш ойларида аҳолини газ билан таъминлашни янада яхшилаш борасида барча имкониятлардан фойдаланаяпмиз. Нукусдаги Водаканал посёлкаси билан янги қурилаётган лойиҳалаш (Проектная) кўчалари аҳолиси учун диаметри 219 миллиметр, узунлиги 2,5 километр масофадаги қувурлар улаб бўлинди. Т.Сейитов, М.Жуманазаров кўчаларида эса 1,1 километр узунликдаги (диаметри 219 миллиметр) қувурларнинг ўзаро уланиши ҳам ниҳоясига етмоқда.

Шунингдек, Тўрткўл шаҳридаги Янгиобод маҳалласи аҳолисини газ билан таъминлаш йўлида 950 метр узунликдаги (диаметри 159 миллиметр) газ қувурлари фойдаланишга топширилди.

Узлуксиз газ билан таъминлаш учун Бўзатов туманига борадиган юқори босимли газ қувурини қайта тиклаш, Кегайли туманидаги М.Жуманазаров номли ширкат хўжалиги ва Чимбой туманидаги «Қизилўзак» ширкат хўжаликларидаги тармоқларни таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Қиш айни ярмига келган шу кунларда жамоамизнинг бутун диққат-эътибори хонадонларга узлуксиз газ етказиб беришга қаратилган.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза: ота-боболаримиз илгари газ эмас, ўтин ёқишганда ҳам тежамкорликка риоя қилишган. Бироқ табиий газ тежамига келганда кўпчилик бунга амал қилишмаяпти. Аниқроғи, улар ёқилғини суиистеъмол қилиб, уни шахсий даромадлари манбаига айлантиришга уринаяптилар. Бунинг олдини олиш учун хонадонларга газ ўлчагич ускуналари ўрнатиш ишларини тезлаштириш керак. Бизда бу юмуш ижроси 1995 йилдан бошланган бўлса-да, ҳануз поёнига етганича йўқ. Ўтган йил хўжаликлар 13 минг 418 та газ ўлчагич ускунаси билан таъминланди, холос. Газ ўлчагич ускуналари таъминоти борасида «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг «Бошкоммунгаз» давлат корхонаси Хитой корхонаси билан ҳамкорлик шартномасини тузганига ҳам анча бўлди-ю, ишда ҳозирча дурустроқ силжиш сезилмаяпти. Обод маҳалла йили баҳона маҳаллаларда хонадонлар бундай ускуналар билан зора тезроқ ва тўла таъминланса, деган умиддамиз...

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

АЧЧИҚ, АММО ОЧИҚ ГАПЛАР

Бозор талаби омборхонагача эмас

ЁКИ САМАРҚАНДДАГИ АЙРИМ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИ РАҚОБАТГА ДОШ БЕРОЛМАЁТГАНИ ХУСУСИДА

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил биринчи ярим йиллик якунларига бағишланган йиғилишда иқтисодиётни ривожлантириш юзасидан белгиланган вазифалар ва топшириқларнинг бажарилиши кўнгилдагидек эмаслиги алоҳида таъкидланган эди. Мажлисда маъруза қилган республикамиз Президенти И. Каримов бу соҳадаги ишлар ҳолатини танқидий баҳолаб, йўл қўйилаётган сусткашликка барҳам бериш юзасидан аниқ топшириқлар берганди.

Хўш, саноатининг ишлаб чиқариш нуфузи жиҳатидан катта салоҳиятга эга Самарқандда бу борада қандай амалий ишлар қилинди? Мавжуд корхоналар бугунги кун талаблари даражасида фаолият кўрсатаяптими?

Вилоят статистика бош бошқармасидан олинган маълумотларга қараганда, ўтган йилнинг тўққиз ойи мобайнида вилоят бўйича тармоқда 117610,9 миллион сўмлик, жумладан Самарқанд шаҳрида 57332,5 миллион сўмлик (амалдаги нархда) маҳсулот ишлаб чиқарилган. Бу эса ўтган 2001 йилнинг январь-август ойларига нисбатан таққосланган кўрсаткичларда 107,3 фоизни ташкил этади. Халқ истеъмоли моллари эса сотув нархларида 130734,5 миллион сўмлик миқдорида ишлаб чиқарилган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 112,0 фоизга етган.

— Рақамлардан кўриниб турибдики, вилоятда саноат корхоналари ёмон ишламаяпти, — дейди вилоят статистика Бош бошқармаси бошлиғи Баҳодир Тоғаев. — Бироқ, масалага шу кун нуқтаи назари билан ёндашадиган ва мамлакатимиз раҳбари саноатчилар олдига қўйган талаблардан келиб чиққан ҳолда баҳо берадиган бўлсак, манзара бироз «гирдоб» тусини олгандек кўринади. Аниқроғи, айрим давлат корхоналари нодавлат корхоналар билан рақобатга дош бера олмай қолди. Зарар кўриб ишлаётган ва ишлаб чиқариш самарадорлигини пасайтириб юборган корхоналарнинг аксарияти айнан давлат корхоналари ва давлатнинг каттагина «улуши»дан баҳраманд бўлаётган ҳиссадорлик жамиятлари эканлиги буни тасдиқлаб турибди. Масалан, ўтган йилнинг август ойига қадар саноат маҳсулотлари (мулкчилик шаклларига қараб таснифланадиган бўлса) 99,0 фоиз нодавлат, 40,0 фоиз ҳиссадорлик ва бор-йўғи — 0,1 фоизгина давлат корхоналари ҳиссасига тўғри келди. 96 та саноат корхонасидан 13 таси 2001 йил натижаларига кўра ўтган йили 4816,5 миллион сўмликдан ортиқ камайишга йўл қўйди.

Бунга асосан «Пируз» қўшма корхонасида конвертация йўқлиги, «Сино» ҳиссадорлик жамиятида ускуналар суст монтаж қилинаётгани, «СамКочАвто», «Бравосут», «Тайлоққонсерва» заводларида хомашё етишмаслиги, Сингапур-Самарқанд қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга талабгор мижозлар бўлмаётганлиги рўкач қилинмоқда. Аслида бугина эмас. Қолаверса, мазкур корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш суръатининг кескин пасайиб кетишига — мавжуд қувватларни тўла ишга солмаслик, бозор талабларини ўрганмаслик, маҳаллий хомашёлардан етарлича фойдаланмаслик, буюртмалар «портфели» ташкил этилмаганлиги ва экспорт имкониятлари устида деярли иш олиб борилмаётганлиги ҳам сабаб бўлмоқда.

Шу ўринда савол туғилади: хўш, у ҳолда бу корхоналар нимани ҳисобидан кун кўрмоқда, улар келтираётган зарар ким томонидан қопланмоқда? Жавоб йўқ. Аниқроғи, кимдан жавоб олишни ҳам билмайсан, киши.

— Тўғрисини айтганда, — давом этади бошқарма бошлиғи, — кўпгина корхоналар ҳалиҳануз бозор иқтисодиёти талабларига мослаша олмаяпти. Четдан замонавий технологияларни олиб келишга қурблари етмаяпти. Бир сўз билан айтганда, катта-катта ишлаб чиқариш майдонлари ва уларга ўрнатилган ускуналар, қувватлар ишлатилмасдан занг босиб ётибди. Айрим корхоналарда каттагина маблағлар эвазига ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўз харидорларини тополмасдан омборларда чанг остида қолмоқда. Ўтган йилнинг тўққиз ойлик натижаларига кўра, «Бахмал» қўшма корхонасида 25903 минг сўмлик, кимё заводида 141292 минг, Ховренко номидаги вино комбинатида 22801 минг, Самарқанд сигарет фабрикасида 3973818 минг, «СамЖинТекс» қўшма корхонасида 299845 минг сўмлик товарлар турли сабабларга кўра омборларда тўпланиб қолди...

Бугун барча диққат-эътибор бозорларимизни ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдиришга ва хорижда тайёрланган ҳар қандай сифатсиз маҳсулотларнинг бозорларимизга кириб келишининг олдини олишга қаратилган бир пайтда вилоят саноатида юз бераётган бундай «гирдоб доми»га қандай баҳо бериш мумкин?! Назаримизда бу ҳолнинг бош сабаби — мазкур корхоналарда иш кўзини билган ҳақиқий тадбиркор раҳбарларнинг йўқлиги ва реал иқтисодий омилларнинг ишга солинмаётганлиги эмасмикан?

Вилоят саноатидаги кўнгилсиз ҳолларга барҳам бериш ва мазкур корхоналар фаолиятини ўрганиш юзасидан тузилган махсус ишчи гуруҳининг олиб бораётган ҳаракатларида ҳам ҳозирча ижобий натижалар кўзга ташланмаётир. Қолоқлик гирдобидан чиқиб тезда сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун тезкор чора-тадбирлар кўрилмас экан, вилоят иқтисодиётида ижобий натижаларга эришиш осон кечмайди.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

XORIJDA

Нефть қудуқларини ёндиролмайди



Америка ҳарбий қўмондонлиги мабодо Ироқ операцияси амалга ошириладиган бўлса, Форс кўрфазидаги аввалги урушда юз берган, яъни «Саҳродаги бўрон» воқеалари такрорланмаслиги учун махсус режа ишлаб чиқди. Ўшанда Саддам Ҳусайн ўз тасарруфидаги Қувайт нефть қудуқларини ёндириб юборган эди.

«The Guardian» газетасининг Интернетдаги ўз сайтида берган хабарига кўра, барча нефть қудуқлари хавфсизлигини таъминлашни Пентагон ўтган йил декабрда Ироқдаги 9 та муҳолиф партия вакиллари билан бўлган учрашувдаёқ баён этган эди.

Маълумки, Ироқ нефть заҳираси бўйича дунёда иккинчи ўринда туради. Ироқ нефть қазиб олиш тармоғининг тенг ярми ишдан чиққан тақдирдаям кунига 1,5 миллион баррелдан «қора олтин» олиш қувватига эга.

Пентагон вакилининг сўзларига қараганда, ҳарбий операция бошланган тақдирда махсус бўлинма нефть қудуқларини дарҳол ўз назорати остига олади. Бироқ Буюк Британия ва АҚШ расмий вакилларининг айтишларича, Ироққа қарши йўналтирилган ҳарбий операция унинг нефть заҳираларини асло қўлга киритиш учун эмас. «Бизни очкўзликда айблаётганлар янглишадилар. Гап очкўзликда эмас, балки Ироқдаги ҳукмрон тузумдадир», деди Британия ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Майк О'брайен. «Ироқ билан уруш бошланган тақдирда, — дея баёнот берди АҚШ давлат котиби Колин Пауэл, —мамлакат бошқарувини коалиция ўз қўлига олади. Ироқ нефти Ироқ халқиникидир. Мамлакатда тикланган ҳар қандай янги тузум фақат Ироқ халқи фаровонлиги ва тинчлиги йўлида иш олиб боради. У АҚШ фойдасига фаолият юритишини биз ҳам хоҳламаймиз».

Шу ўринда журналистларнинг «Америка компаниялари ҳам Ироқда нефть қазиб олишга жалб этилиши мумкинми?» деган саволига «Агар бундай фаолият амалга ошган тақдирдаям улар ҳам фақат Ироқ халқининг фаровонлиги йўлида меҳнат қиладилар», деди Пауэл.

Ярми урушга қарши

Жамоатчилик фикрини билиш мақсадида Буюк Британия аҳолиси орасида ўтказилган сўров натижалари шуни кўрсатдики, сўровда қатнашганларнинг ярми Ироққа қарши уруш эълон қилинишини ёқламайди.

Guardianда ёзишларича, ICM компанияси томонидан ўтказилган мазкур тадқиқот давомида сўралганларнинг 47 фоизи Ироқдаги ҳарбий операцияга қарши овоз берган. Уч ой аввал бу кўрсаткич 37 фоизни ташкил этган эди.

Сўровда қатнашганларнинг 30 фоизи эса ҳарбий операцияни ёқлаб фикр билдирди. Уч ой муқаддам бу кўрсаткич 42 фоиз эди.

Давос форуми учун 10 миллион доллар

Маълумки, яқинда Швейцариянинг Давос шаҳрида Бутунжаҳон иқтисодий форуми бўлиб ўтди. Унда дунё иқтисодиётидаги, бизнесдаги, хавфсизлик ҳамда молиявий ва технологиялар соҳасидаги муаммолар муҳокама этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, дейилади Associated Press агентлиги хабарида, бу форумни тинчгина ўтказиб олиш учун Швейцария ҳукумати кучайтирилган хавфсизлик чораларини қўллаган. Бу эса ҳукуматга 10 миллион долларга тушди.

Гризон, Цюрих, Базел, Женева ва Тессина кантонларида полиция хизмати кучайтирилган тартибда иш олиб борди. Бундан ташқари мамлакатга ва у ерда ўтаётган форумга аниқ бир ташқи ёки ички хавф таҳдид солмаётган бўлса-да, ҳаво ҳужумига қарши мудофаа кучлари ва оммавий қирғин қуролларига қарши экспертлар жанговар шай ҳолда турди.

Дипломатлар чиқариб юборилди

Ҳиндистон ҳукумати Покистоннинг 4 дипломатини мамлакатдан чиқариб юборган эди. Энди эса Покистон ҳукумати Ҳиндистоннинг 4 нафар дипломатини Покистон ҳудудидан чиқариб юборди.

Покистон Ташқи ишлар вазирлигининг расмий баёнотига кўра, «улар фаолияти дипломатик мақомга мос келмаганлиги учун» шундай қарорга келинди, дейилади Reuters ахборотида.

Ўз фуқароларини чақириб олмоқда

АҚШ ва унинг иттифоқчилари Ироқ Президенти Саддам Ҳусайн тузумига қарши уруш эълон қилиши мумкинлиги муносабати билан Япония ташқи ишлар вазирлиги Ироқда яшовчи ўз фуқароларини мамлакатдан чақириб олмоқда. Шунингдек, Индонезия ҳукумати ҳам Бағдоддаги ўз элчихонасининг техник ходимларини эвакуация қилишга киришди.

ИТАР-ТАСС берган маълумотларга кўра, Индонезия ҳукуматининг бевосита вакили сифатида фақат дипломатларгина Ироқда қолади.

МАЪНАВИЯТ

Қўшиғини билмаган йигит

Таниқли шоир, қозоқ халқининг машҳур ўғлони Мухтор Шаҳоновнинг «Адашган тараққиёт» деган шеърий романи бор. Асар қадимий анъаналардан мосуво бўлган халқ бугунги цивилизациянинг қурбонига айланиб қолади, деган ғояни илгари суради. Шеърий романдан шундай бир воқеа ёдимга тушди. Қайсидир жойнинг хони қизини эрга бераяпти. Тибиийки, қадимий анъанага кўра, хон томонидан қўйилган шартни қайсидир юртнинг шаҳзодаси тўлатўкис бажаради. Чавандозликда тенгсиз, мерганликда моҳир, жангу жадалда ёвкур, хуллас, шаҳзода йигитмисан йигит эди. Қизнинг ҳам кўнгли суст кетади, йигитга мойиллиги шундоқ билиниб турарди. Ҳуснда тенгсиз, довюрак, баҳодир шаҳзодани хон ўз ҳузурига чорлайди. «...Ҳамма шартни кўнглимдагидай адо этдинг. Қизимни сенга беришим мумкин. Бироқ, сўнгги бир шартим — ўз элингнинг қадимий қўшиғини биласанми? Билсанг айт!», — дейди хон. Шаҳзода жим. Сукунат. Шунда қиз орага тушади: «Дадажон, ахир шаҳзода ҳамма шартни тўлиқ адо этди. Бир қўшиқ бўлса, ёд олар. Изн беринг, мен унга турмушга чиқай», — деди. Хон жиддий ўйланиб қолди. Ва, қатъий: «Йўқ!», — деди. «Ўз элининг қадимги қўшиғини билмаган йигит камолотга етган йигит эмас. Унинг зурриёдлари ҳам ўз халқига нолойиқ бўлиб улғаядилар. Ўз халқига нолойиқ авлод эса ўша халқнинг қадр-қимматини ерга уради...»

Ана шундай гаплар... Ўғил қизларимиз миллатимиз давомчиси. Халқимизнинг ер юзида, бу ҳаёт саҳнида мустаҳкам мавқега эга бўлиши шуларга боғлиқ. Бирдан бир йўл: боболарнинг қутлуғ меросидан дилни, қалбни, шуурни нурлантириш. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Цивилизация шу даражага етдики, унинг сир-асрори, ваҳмли янгиликларга тўла бағридан эзгулик, инсоний етукликка ундовчи омилларнигина саралаб олишимиз керак.

Дунё экранларида тинимсиз тарғиб қилинаётган одамхўрлик, фаҳш, ахлоқсизлик, зўравонлик, ҳаддан ташқари ёвузлик уруғларини сочувчи, мақсади иддоаси пул, маблағ топишга йўналтирилган фильмлар, ҳаром-хариш ташвиқотлардан XXI аср авлодини ҳимоя қилиш учун дунё файласуфлари, олимлари, улкан ёзувчилари, шоирлари битта, якдил, шундай хулосага келдилар: «Болаларни китобга қайтариш керак. Дунё бўйича болалар адабиётининг машҳур адиблари асарлари махсус тизимга солиниб жаҳон болаларига тортиқ қилиниши лозим. Бугунги авлод, бугунги дунё болалари учун энг сара асарлар жамланган умуминсоний ғоялар тарғиб этилган китоблар асосида ташкил топган «Дунё болалари» кутубхонаси серияси ташкил қилиниши лозим», деган фикрни билдиришмоқда. Цивилизация авжга чиққан жойларда, айниқса, Европанинг улкан шаҳарларида ҳам: «Болани компьютер қаршисидан тортиб олиб, китобга қайтариш лозим. Болалар чарчаяпти. Руҳан толиқяпти. Информация асрида бола қалби майиб-мажруҳ бўлиб бормоқда...» — деган хитоблар янграяпти. Зиёли ота-оналар, авлодпарвар кишиларнинг бу хитоблари хориж матбуотида тез-тез учратишимиз мумкин. Нега шундай бўляпти? Чунки, дунёда содир бўлаётган яхши-ёмон воқеалар айни лаҳзанинг ўзида экранда пайдо бўлаяпти. Интернет орқали узатилаяпти. Воқеликни таффаккур орқали мушоҳада қилиш ўрнига, шундоқ — ўз ҳолича, экранда кўриб турган боланинг онгида, албатта, танбаллик, ишёқмаслик хислати ўрнашиб боради. Китоб инсон тафаккурини чархлайди, унда фикрни ишлатиш, шуурда сўз орқали берилган манзараларнинг тасвирини тиклашга уринишга интилиш иштиёқи етилади. Китоб мутолаа қилаётганда инсон ташқи дунёни қалб кўзи орқали ўзига сингдиради. Ва, тафаккурда ўша воқеликка нисбатан ўқувчида шахсиятидан келиб чиқиб муносабат пайдо бўлади. Борлиққа муносабатда бўлиш, муносабатга киришиш одамийликнинг муҳим белгиси. Шу билан бирга айтиш мумкинки, мутолаа шахсни, шахсиятни тарбиялайди. Ҳа, дунё, маърифатпарвар дунё учун юксак шахслар, тафаккурида шахсга хос мезонлар шаклланган кишилар лозим.

Қалб тарбияси нима у? Бир гап билан айтганда ақл-идрокни эзгулик йўлида ишлатиш, эзгулик йўлига буриш... Қалбни нима тарбиялайди? Яна ўша тан олинган ҳақиқат — китоб. Инсонни яхшиликка ундовчи санъат ва адабиёт сарҳад билмайди. Буюк адиблар, даҳоларнинг улуғлиги шундаки, улар ўз миллатининг асл фарзанди бўлиб қолганлиги билан бирга, бутун инсоният бахт-иқболининг оташин куйчиси сифатида ҳам ер юзи халқларининг юрагидан жой топади. Навоий, Ҳомер, Данте, Гёте, Шекспир, Пушкин, Толстой... ва ҳоказо улуғ адиблар яратган асарлар инсон фарзандлари, башарият авлодининг тарбияси учун яратилган маънавий бойликдир. Ана шу қудратли куч, маънавият — адабиёт, санъат ер шарида инсон инсондай яшашга ҳақлилигини, инсон деган тушунча нақадар ардоққа лойиқлигидан сабоқ беради.

Дунёда ёш авлодга таҳлика солаётган мараз иллат — ёвузлик ғоясига қарши батамом зарба беришнинг биргина чораси ҳар бир халқ қадим маданиятини асраб, бўлғуси наслларга дунёда тинчлик, тотувлик, биродарлик, инсоний меҳр ғояларини сингдиришдан ўзга йўл қолмаганини таъкидлаяпмиз. Фақат бунинг учун ҳар биримиз хонадонимизда авлод тарбиясини энг муҳим, ҳаёт-мамот даражасидаги масала деб қарашимиз лозим. Фарзандимиз ҳориж тилини билишини жуда-жуда истаймиз. Репетитор ҳам ёллаймиз. Баобрў мактабларга таҳсил олишга қўямиз. Нуфузли олий ўқув юртларида ўқиши тарафдоримиз. Хуллас, дунёвий билимлар эшигига калит солишини жон-дилимиз билан хоҳлаймиз. Аммо, дунёнинг ўзи бугун маданий-маънавий кўмакка муҳтож бўлиб турибди. Демак, дунёни таҳликага солиб турган бу масала бизни жиддий ўйлашга мажбур қилиши керак.

Мақоламизнинг бошида ҳаётнинг давомийлиги ҳақидаги «Астроид» фильмидан бекорга мисол келтирмадик. Ҳаёт давомий. Ҳаётни эса маънавиятига дарз кетмаган авлод давом этказади. Нур ҳеч қачон сояда қолмаган... қолмайди ҳам! Бошқача бўлиши мумкин эмас. Ер шари ҳурмати, инсоният қисмати ҳаққи шундай!

Қўчқор НОРҚОБИЛ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Қизилқумликларга кўмак

Қишлов — синов эканини олис қизилқумликлар яхши билади. Қорли-қировли кунларда жамоат чорвасини кўз қорачиғидек асраш, йилқи, туя, айниқса, «юк»ли совлиқларни қишдан беталофот олиб чиқиш айни кунлардаги долзарб вазифадир. Томди, Учқудуқ, Конимех, Нурота туманларида масъулият янада ортган. Шу боис, Навоий вилоят ҳокимлиги чорва қишловини намунали ўтказиш, чўпон-чўлиқлар, йилқичиларга зарур шарт-шароитлар яратиб бериш мақсадида алоҳида тадбирлар ишлаб чиқди. Унда нафақат қоракўлчилик туманларига вакил, мутахассис кадрлар йўллаш, балки қизилқумлик чорвадорлар сиҳат-саломатлигини таъминлаш, уларга иссиқ кийим-кечаклар, чорва отарларига дағал хашак, омухта емни мунтазам етказиб бериш чора-тадбирлари белгиланган. Янги йилнинг ўтган ўн беш куни давомида чорвадорларга 450 тонна атрофида омухта ем етказиб берилди.

Ҳокимлик амалий кўмаги сабаб Қизилқумда қишлов бечиқим, беталофот ўтмоқда.

Ўз мухбиримиз

Ёш журналистлар клуби

Бухоро вилоят ҳокимлигининг матбуот ва ахборот бошқармаси қошида ёш журналистлар клуби иш бошлади. Унда саралаб олинган бўлғуси журналистлардан 60 нафари машғулотларда фаол иштирок этмоқда. Уларга вилоятнинг энг тажрибали журналистлари дарс бермоқда. Олти ой давом этадиган машғулотлар ҳафтада бир марта мунтазам ўтиб турибди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Сержило тафаккур дурдоналаридан*

АРТУР ШОПЕНГАУЭР — НЕМИС ФАЙЛАСУФИ. 1788–1860 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

(Давоми. Боши олдинги сонда.)

● Одамларнинг ўзаро яқин алоқага киришган пайтларидаги хулқ-атворлари қишнинг совуқ тунида исинишга уринаётган жайраларни эслатади. Улар совуққотадилар ва бир-бирларининг пинжиларига кирадилар, аммо, буни қанчалик кучли қилсалар, улар бир-бирларига ўзларининг узун ниналарини оғритиброқ санчадилар. Санчиқларнинг оғригидан тарқаб кетишга мажбур бўлган ҳолда, улар, совуқ туфайли, яна яқинлашадилар, ва шундай – ҳамма тунлар сурункасига.

● Кимдир ўзининг бутунлай эҳтиёткор бўлиб кўринган виждонининг, аслида, нималардан таркиб топишини кўриб, ҳайрон бўларди: тахминан 1/5– одамлар олдидаги кўркув, 1/5– дезидемония (олий кучлар олдидаги кўркув), 1/5– бидъатлар, 1/5– манманлик ва 1/5– одатлар, шундай қилиб, у тўғридан тўғри: «Виждонимни боқишга менда маблағ етишмайди», – деган инглиздан, моҳиятан, яхшироқ эмас.

● Менинг ватаним, Германияга қараганда, кенгроқ ва мен инсониятга муштим билан эмас, балки, каллам билан хизмат қилишга даъват этилганман.

/Шопенгауэр бу ерда ўзининг Германиядаги 1848 йил инқилобида иштирок этмаслигини асослайди/.

● Одамларнинг фикрларини юксак баҳолаш – улар учун ҳаддан ташқари кўп илтифот бўлган бўлур эди.

● Фалсафий таълимотлар – худди бир-бирларини қирувчи ўргимчак ёки йиртқич ҳайвонлар каби, табиатан, муросасиздирлар. Бу кураш икки минг йилдан кўпроқ давом этмоқда.

● Маърифатпарварлар, ислоҳотчилар, инсонпарварлардан қандай наф? Вольтер, Юм, Кант, аслида, нимага эришдилар? Уларнинг барча уринишлари – бефойда ва бесамар кучанишлар, зеро, дунё, бу – дарди бедаволар касалхонаси.

● Одамлар соатнинг, бураб қўйиладиган ва нима учун юраётганини билмайдиган, мурватларига ўхшайдилар.

● Ким ёлғизликни ёқтирмаса – ўша эркинликни севмайди, негаки, ёлғизликдагина эркин бўлиш мумкин.

● Менинг фалсафам менга мутлақо ҳеч қандай даромад бермади, лекин, жуда кўп сарф-харажатлардан халос этди.

● Менинг ҳар бир сатримни хурсандлик билан маъқуллайдиган авлод келади.

● Менинг фалсафам менга ҳеч нима бермади, бироқ, кўп нарсамни асради.

● Упанишадларни ўрганиш ҳаётимнинг юпанчиғи бўлди ва ўлаётган чоғимда таскин беради.

● Мен ҳақиқат дарпардасини, менгача бўлган бандаларга қараганда, кенгроқ очдим. Аммо, мен ораларида яшаганларга қараганда, арзимасроқ замондошлар билан мақтана олиши мумкин бўлган кишини кўришни истардим.

● Қадимдан одамни кичик коинот сифатида талқин қилганлар. Мен аҳволни ўзгартирдим ва аниқладимки, дунё; бу – катта одам.

● Сен ўзингни табиатдан эмас, балки, табиатни ўзингдан тушунмоғинг лозим. Бу менинг инқилобий қоидам.

● Ҳар бир чинакам мутафаккир ҳокими мутлаққа ўхшайди: у бевосита ва ўз устидан ҳеч кимни тан олмайди.

● Менинг даврим ва мен – бир-бирларига мос келмайдилар; бу аниқ.

● **ЗАМОНДОШЛАР БИЛАН БАҲСЛАРДАН:**

Ахир, мен, бегона бемаънилик олдида таъзим қилиши зарур бўлган, фалсафа профессори эмасман-ку.

Нима ҳам дердик, улар ҳақлар: улар фалсафага вазирлик томонидан даъват этилганлар, мен эса – табиатангина.

Менга танлашни таклиф қилдилар: факультетми ёки менинг фалсафам. Мен фалсафани танладим.

● Гегель – ўртача ақл даражасидаги одам, у барча маълум воситалар билан улкан файласуф номига эга бўлишни истади ва, чиндан ҳам, бир нечта жуда ёш, бироқ, ақли чекланган кишиларнинг санамига айланишга улгурди. Аммо, инсон ақлига қарши бундай суиқасдлар жазоланмай қолмайдилар.

● Мана шу Гегель битта санъатни, дарҳақиқат, тушунган – айни немисларни лаққиллатиш санъатини.

● Гегель фалсафаси 3/4 **ғирт маъносиз гаплардан** ва 1/4 **бемаъни уйдирмалардан** ташкил топган.

● Давид Юмнинг ҳар бир саҳифасидан, Гегель, Гербарт ва Шлейермахерларнинг биргаликда олинган фалсафий асарлари тўла тўпламларига қараганда, кўпроқ нарса олиш мумкин.

● Муҳаббат – ҳаётдаги катта тўсиқдир.

● Соғлиқ ҳаётдаги барча неъматлардан шунчалик устунки, соғлом гадой дардманд қироллдан бахтлироқдир.

● Ҳар бир гўдак – қисман даҳо, ҳар бир даҳо – қисман гўдак.

● Энг арзон ғурур, бу – миллий ғурур.

● Миллий феъл-атворда яхши белгилар кам: ахир, унинг соҳиби авомдир.

● Ҳар бир миллат бошқаси устидан кулади, уларнинг ҳаммаси ҳам бирдай ҳақдирлар.

● Ахлоқни тарғиб қилиш осон, уни асослаш қийин.

● Барча ярамас одамлар, афсуски, киришимлидирлар.

● Одам – бошқаларга, ҳеч қандай ўзга мақсадга эга бўлмаган ҳолда, озор етказадиган бирдан-бир ҳайвондир.

● Агар ҳажв жиддийлик ортига яширинса, бу – киноя; агар жиддийлик ҳажв ортига яширинса, бу – ҳазил-мутойиба.

Русчадан Муҳаммад РАҲИМ ўғли таржимаси

***Рукн газетанинг 2001 йил 27 октябрь сонидан бошлаб берилмоқда.**

ФАФУР ҒУЛОМ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Тараддуд

Бу йил ўзбек маданияти ва миллий адабиёти ривожига улкан ҳисса қўшган ижодкор, академик, Ўзбекистон халқ шоири Фафур Ғулом таваллудининг 100 йиллиги республика миқёсида кенг нишонланади.

Адабиётимизнинг катта байрамини ўтказиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинган.

Самарқанд давлат университети жамоаси ҳам Фафур Ғулом таваллудининг 100 йиллигини кўтаринки руҳда ўтказиш юзасидан қилинадиган ишларни режалаштириб олдилар. Жорий йил университетнинг филология факультетларида Фафур Ғулом ижодини ўрганиш ва тадқиқ этиш йили, деб эълон қилинди. Улкан сўз санъаткори асарлари бўйича олиб борилаётган илмий ишлар икки босқичда – вилоят ҳамда республика анжумани ўтказилади. Шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган монография, рисолалар нашр этилади ҳамда иқтидорли талабалардан бир гуруҳини пойтахтдаги Фафур Ғулом уй-музейига экскурсияси ташкил этилади.

Истиқлол йилларида «Буюк хизматлари учун» орденига сазовор бўлган ўзбек шеъриятининг «паҳлавони» Фафур Ғулом ижоди ҳамон абадият билан ёнма-ён яшаб келмоқда.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ

Илмий ҳамкорлик

Ҳиндистон пойтахти Деҳлида Ўсимликлар физиологияси иккинчи халқаро конгресси бўлиб ўтди.

Мазкур халқаро анжуман ташкилий қўмитасининг таклифига биноан ушбу тадбирда Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг илмий ишлаб чиқариш маркази бош илмий котиби профессор Р.Назаров, Ўзбекистон фан ва техникавий ривожланиш маркази директори К.Валихонов ҳамда ушбу марказ илмий котиби Г.Тоғаевадан иборат мамлакатимиз делегацияси ҳам муваффақиятли иштирок этди.

Халқаро анжуман ишида дунёнинг йигирма беш мамлакатидан қарийб минг нафарга яқин вакиллар қатнашди. Мамлакатимиз олимларининг анжуманда ўқилган икки маърузаси тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Шунингдек, Ўзбекистон делегацияси Ҳиндистон Қишлоқ хўжалик институти ходимлари билан пахтачилик соҳасида биргаликда тадқиқот ишларини олиб бориш билан боғлиқ масалалар юзасидан ўзаро мулоқотлар олиб борди.

Шуҳрат УМИРОВ, «Жаҳон» АА

Болалар спорти — келажак таянчи

Қашқадарёда болалар орасида умидли спортчилар жуда кўп. Иқтидорлар етишиб чиқмоқда. Аммо шароит-чи? Очиғи, туман ва шаҳарларда аҳвол бирдек эмас. Хусусан, қишлоқларда. Аҳолининг асосий қисми эса ҳам қишлоқларда истиқомат қилади. Президентнинг «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорини амалга ошириш вилоятда ҳам тўпланиб қолган масалаларнинг амалдаги ечимини таъминлайди.

Низомга кўра, вилоят ҳокимлари жамғарма вилоят бўлимларининг ҳомийлик кенгашларига раислик қилади. Яқинда бўлиб ўтган жамғарманинг вилоят бўлими таъсис конференциясида Қашқадарё вилоят ҳокими Н.Зайниев бу борадаги муҳим вазифалар ҳақида гапирди.

Конференцияда сўзга чиққан каратэ бўйича жаҳон кубоги соҳиби Н.Хўжаев, дзюдо бўйича терма жамоа мураббийси У.Паттаев, Шаҳрисабз туман спорт қўмитаси раиси Б.Маматов, миллий кураш бўйича жаҳон чемпиони И.Аҳмедов, ЎзХДП вилоят кенгаши биринчи котиби, Олий Мажлис депутати Ф.Омонов, вилоят телерадиокомпанияси раиси Ҳ.Темировлар болалар спортини ривожлантиришга халақит бераётган муаммолар, жамғармадан самарали фойдаланиш борасидаги мулоҳазаларни билдирди. Жамғарманинг ижрочи директори қилиб Баҳром Авазов тасдиқланди.

Юнус УЗОҚОВ

СПОРТ

«Пахтакор»нинг мағлубиятсиз иштироки

18-26 январь кунлари Москвада анъанавий МДҲ мамлакатлари чемпионлари кубоги турнири бўлиб ўтди. Мусобақада муваффақиятли қатнашган «Пахтакор»(Тошкент) футболчилари ярим финалда Латвия чемпиони билан куч синашди. Учрашувнинг асосий вақти 2:2 ҳисоби билан якунланди. Тўпларни ҳамюртларимиздан Леонид Кошелев ҳамда Александр Крохмаль киритди. Пенальти тепиш бўйича эса омад ригаликларга кулиб боқди – 1:3.

Ҳал қилувчи учрашувда ярим финалда Россиянинг «Локомотив» футболчиларини 1:0 ҳисобида доғда қолдирган Молдованинг «Шериф» жамоаси «Сконто»га қарши майдонга чиқди. Қизиқарли ўтган ўйинда молдовалик футболчилар катта қийинчилик билан ғалаба қозонди – 2:1. Учрашув тақдирини ҳал қилувчи тўпни 90-дақиқада Тестемицану («Шериф») киритди.

«Пахтакор» жамоаси гарчи турнирда совриндорлар қаторидан жой ололмаган бўлса-да, мутахассисларда илиқ таассурот қолдирди. Буни маҳаллий журналистлар матбуотда «Ўзбекистон чемпиони илк маротаба анъанавий мусобақада мағлубиятсиз иштирок этди», деб ёзишганидан ҳам билиб олиш мумкин.

Японияга кимлар боради?

Шу йил 2-8 февраль кунлари Японияннинг Амори шаҳрида V қишки Осиё ўйинлари ўтказилади. Бу мусобақада ҳамюртларимиз асосан муз устида нафис учиш ҳамда тоғ чанғи спорти турлари бўйича юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

Агар вакилларимизнинг қишки спорт турлари бўйича халқаро мусобақаларда қўлга киритган натижаларини эсласак, аввало фристайлчимиз Лина Черязованинг 1992 йил Лиллехамер(Норвегия)да қўлга киритган ютуғи ёдга тушади. Ўшанда у мустақил Ўзбекистонимизга олимпиаданинг илк олтин медалини туҳфа этганди. Сўнгра, IV қишки Осиё ўйинларида муз устида нафис

учиш бўйича яккалик баҳсларида Татъяна Малинина олтин, Роман Скорняков кумуш, жуфтлик мусобақаларида Наталья Понамарёва – Евгений Свиридовлар бронза медаллари билан тақдирланишди.

– Айни кунларда V қишки Осиё ўйинларига сўнгги тайёргарлик ишларини олиб боряпмиз, – дейди муз устида нафис учиш бўйича мамлакат терма жамоаси бош мураббийи Евгений Рохин. – Моҳир спортчимиз Татъяна Малинина фарзанд кутаётганлиги боис, бу сафар мусобақаларда қатнашмайди. Шунингдек, турли сабабларга кўра, Евгений Свиридов, Наталья Понамарёва ҳамда Роман Скорняковлар ҳам таркибга жалб этилмади. Бу эса улар ўрнига бошқа иқтидорли ёшларни синовдан ўтказишимиз учун имконият яратди. Ўйлайманки, Аморида ўтадиган қитъа баҳслари Анастасия Гимазетдинова (яккалик), Марина Аганина – Артём Князев (жуфтлик)лар учун навбатдаги қишки олимпиада олдидан катта тажриба мактаби вазифасини ўтайди. Уларнинг Японияда совриндорлар қаторидан жой олишига ишонаман.

Тоғ чанғи спорти бўйича эса Қайрат Эрметов юртимиз шарафини ҳимоя қилади. Мамлакатимиз спорт делегацияси 30 январь куни мусобақаларда иштирок этиш учун Японияга жўнаб кетади.

Эркин ХОЛБОБО

Каспаров дона сурганда

Жаҳоннинг кучли шахматчиси Гарри Каспаров билан компьютерлараро жаҳон чемпиони ўртасидаги ўзаро баҳс бўлиб ўтди. Исроилнинг «Дип Жуниор» дастурига мосланган компьютер орқали баҳс юритиш ФИДЕ билан Компьютер шахмат ўйинлари федерацияси раҳнамолигида уюштирилди. Учрашувнинг мукофот пули 1 миллион доллар қилиб белгиланган. Шахматчилар 6 партия давомида ўзаро дона сурадилар. Ўйинни эса бетараф ҳакамлар кузатиб туришди. Қизиғи шундаки, Исроил дастурчилари компьютерни шундай созлашгандики, ўйин пайтида пиёдалар мавқеига қараб қурбон олишлар юзага келтирилди. Бу эса шу пайтгача амалга оширилган компьютер ўйинларига хос эмаслиги билан ажралиб туради.

Учрашувнинг биринчи партияси 3 соат 40 дақиқа давом этди. 27-юришда Гарри Каспаровнинг қўли баланд келди.

Кучлилар ўзини кўрсатди



Теннис бўйича Австралия очиқ чемпионати якунланди. Финалда йигитлар ўртасида америкалик Андре Агасси билан олмон теннисчиси Райнер Шуттлер майдонга тушдилар. Қизғин ва муросасиз баҳсда Андре 6:2, 6:2 ва 6:1 ҳисобида муваффақият қозонди. Мукофот жамғармаси 12 004 900 доллар қилиб белгиланган нуфузли бу мусобақанинг аёллар баҳсида эса америкалик опа-сингил Венус ва Серена Уильямслар финалда ўзаро куч синашдилар. Қизғин баҳсда Серенанинг қўли баланд келди. У 7:6, 3:6, 6:4 ҳисобида ғолиб бўлди. Шундай қилиб Серена жаҳоннинг кучли теннисчиларидан бири эканлигини яна бир бор кўрсатди.

Тайсонга рўбарў бўлармикан?



Оғир вазнли профессионал боксчилар ўртасида жаҳон чемпионлиги учун британиялик Леннокс Льюис билан украиналик Виталий Кличко ўртасида режалаштирилган учрашув ўтказилмайдиган бўлди. Жаҳон чемпионлиги учун кураш – WBC вакили Жадд Бурнштейннинг таъкидлашича, бундай учрашувни ўтказиш учун олиб борилган ўзаро келишувлар самарасиз кечган. Учрашув эса апрель ойининг ўрталарида ўтказилиши керак эди. Энди Льюис июнь ойига қадар рингга чиқолмаса керак. Бурнштейннинг фикрича, бу орада Льюис билан америкалик Майк Тайсон ўртасида ўзаро учрашув ўтказилиши мумкин экан. Бултур 8 июнь куни ўтказилган учрашувда Леннокснинг ғалаба қозонгани ҳаммага маълум. Шу жиҳатдан қараганда, Тайсон билан бўладиган навбатдаги учрашув ўзига хос матч-реваншга айланиши мумкин. Демак, Льюис 22 февраль куни Мемфисда Тайсон ва америкалик Клиффорд Этьен билан ўтказиладиган учрашувда кузатувчига айланиши табиий.

«Қорақамиш универсал бозори»

очиқ акциядорлик жамиятининг навбатдаги умумий 2002 йилги ҳисобот мажлисини ўтказиш ҳақида

Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов туман, Ўрозбоев кўчаси, 21-уй.
(Асосий бозор маъмурияти биносида)

Мажлис 2003 йил 27 февраль соат 11.00 да ўтказилади. Мажлисда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2003 йил 25 январь ҳолатига кўра тузилган.

КУН ТАРТИБИ

1. «Қорақамиш универсал бозори» ОАЖнинг 2002 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият бошқаруви раисининг ҳисоботи.
2. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан аудиторлик хулосасини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2002 йил молиявий-хўжалик ҳисоботининг якуни бўйича даромадларни тақсимлаш ва дивидендлар миқдори ҳамда уни бериш тартибини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2003 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг 2003 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш.
7. Тафтиш комиссиясининг таркибига ўзгартириш киритиш ҳақида.
8. Кузатув Кенгашнинг таркибига ўзгартириш киритиш ҳақида.
9. Жамият бошқаруви раисини тасдиқлаш ҳақида.
10. Жамият бошқарувининг янги таркибини тасдиқлаш.

«Қорақамиш универсал бозори» очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг 2003 йил 1 январгача бўлган БАЛАНСИ

(минг сўм ҳисобида)

	Балансининг «АКТИВ» қисми	Балансининг «ПАССИВ» қисми
1	Асосий воситалар – 13491,2	1. Устав капитал – 10000
2	Номоддий активлар – 565885,2	2. Қўшилган капитал – 1587,4
3	Ишлаб чиқариш заҳиралари – 1769,8	3. Резерв капитали – 426,5
4	Пул маблағлари – 406,4	4. Мақсадли тушум ва фондлар – 347026,2
5	Келгуси давр сарфлари – 87655,6	5. Кредиторлар – 299364,4
6		6. Соф фойда – 10803,7
	Баланс – 669208,2	Баланс – 669208,2

2002 ЙИЛ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ:

	Кўрсаткич номи	Кўрсаткичлар натижаси
1	Маҳсулот сотишдан тушган ялпи даромад	34346,6
2	Тўланган солиқлар	23542,9
3	Ҳисобот давридаги соф фойда	10803,7

Балансининг тўғрилиги «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси «ОСИЁ-АУДИТ» фирмаси орқали тасдиқланди. Ҳужжатлар билан танишиш бошқарув идорасида ўтказилади.

МАНЗИЛИМИЗ: «Қорақамиш универсал бозори» очиқ акциядорлик жамияти. Ўрозбоев кўчаси, 21-уй.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ

Тошкент шаҳар филиали

Сизларни 2003 йил 28 февраль ва 7,14,28 март кунлари бўлиб ўтадиган кимошди савдоларига таклиф қилади.

Савдоларда «Роз-Трейдинг» чет эл корхонасининг Қатортол бўлимига тегишли Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Қатортол кўчаси, 60-уйда жойлашган бино ва иншоотлари сотилади.

Бошланғич нархи – 750 000 000 сўм.

Савдоларда қатнашиш учун аризалар савдодан бир соат олдин тўхтатилади.

Савдолар соат 10.00 да бошланади.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мовароуннаҳр, 16 А.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda – 25-16-16
Buxoroda – 222-10-92
Gulistonda – 25-03-80
Jizzaxda – 5-49-85
Navoiyda – 3-39-20
Namanganda – 6-43-43
Nukusda – 222-70-12
Samarqandda – 35-20-54
Toshkentda – 133-44-55
Urganchda – 226-51-35
Farg'onada – 26-43-62
Termizda – 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г – 066

15855 nusxada bosildi

Topshirish vaqti – 21.00.
Topshirildi – 22.30
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA